

Ким суннатимдан юз ўгирса, мендан эмас



08:00 / 07.01.2021 2602

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари яшайдиган хонадонга бир гуруҳ мусулмонлар келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг (уйдаги) ибодатлари ҳақида сўрашди. Бу ҳақда айтиб беришган эди, уларга бу оз кўриниб, «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам киму, биз киммиз? Ахир Аллоҳ таоло у зотнинг аввалгию охириги гуноҳларини кечирган бўлса! (Шунинг учун у зот кам ибодат қилсалар ҳам бўлаверади)», дейишди. Улардан бири: «Мен энди бутун умр туни билан намоз ўқиб чиқаман!» деди. Иккинчиси: «Энди мен бир умр рўза тутаман, бирор кун ҳам қанда қилмайман!» деди. Учинчиси: «Мен эса умрбод аёллардан узоқ бўламан, умуман уйланмай ўтаман!» деди. (Буни эшитган) Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни топиб, **«Шундай-шундай дебсизлар. Ҳолбуки, Аллоҳга қасам, Аллоҳ таолодан энг қўрқадиганингиз ва тақводорроғингиз менман. Лекин баъзида рўза тутаман, баъзида тутмайман. Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам, аёлларга ҳам уйланаман. (Менинг суннатим шу) Ким суннатимдан юз ўгирса, мендан эмас!»** дедилар».

(Муттафақун алайҳ).

«Солиҳлар гулшани» китобидан